



« 19 » декабр 20 15й.

Наманган шаҳри \_\_\_\_\_ 382 \_\_\_\_\_-сонли

**Вилоятда тозаликни сақлаш мақсадида чиқинди учун  
нархларнинг янги тарифларини белгилаш тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993й., 9-сон, 320-модда) 6,25-моддалари, ”Чиқиндилар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон,72-модда) 11-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги “Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 315-сонли (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й, 49-сон, 632-модда) ва 2014 йил 15 июлдаги “Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 194-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 30-сон, 368-модда) қарорларига асосан вилоятнинг шаҳар ва туманлар ҳудудидаги қаттиқ ва маиший чиқиндиларни ташиб чиқариш хизматларини такомиллаштириш ҳамда вилоятдаги шаҳар ва туманлар ҳудудида санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоятдаги шаҳар ва туманлар ҳудудида қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб чиқариш хизматлари бўйича тарифлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликларига:

бир ой муддатда маҳалла фуқаролар йиғинлари ва мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик фаолиятини юритаётган субъектлар, яъни мулк эгалари (юримдик ва жисмоний шахслар) билан шартномалар тузиш ҳамда кўрсатилган хизматлар тўловларини ундириш бўйича зарур чоралар кўрилишини таъминлаш;

хизмат кўрсатилаётган ҳудудлардаги аҳоли сонини ва юримдик ташкилотларни тўлиқ қамраб олиш ва шартномаларни тўлиқ тузилишини

таъминлаш ҳамда шартномалар бўйича маблағларни ундириш чораларини кўриш;

аҳоли пунктлари худудидан чиқинди ташишнинг кунлик режа-жадвалини қайта кўриб чиқиш ва ушбу режа-жадвали асосида чиқиндиларни ташишни амалга ошириш топширилсин.

3. Вилоятдаги шаҳар ва туманлар худудида жойлашган барча мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкілот, корхона раҳбарлари, худудларидан ҳосил бўлган қаттиқ маиший чиқиндиларни тасдиқланган тарифлар бўйича ташиб чиқариш юзасидан Ободонлаштириш бошқармалари билан шартнома тузилишини, шунингдек кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб борилишини таъминласинлар.

4. Марказий банк вилоят бош бошқармаси (А.Дадабоев)га Ободонлаштириш бошқармалари томонидан хизмат кўрсатувчи тижорат банклари ва назоратчи (кассир)лар ўртасида 3 томонлама меҳнат шартномасини тузиш орқали ёлланма кассирни белгилаш ва аҳолидан нақд пул тўловларини йиғишни йўлга қўйишни таъминлаш, банк миждозларидан қаттиқ маиший чиқинди ташиб чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб борилишида амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

5. Вилоят молия бошқармаси (Т.Юсунов)га маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминланувчи ташкілот ва муассасалар харажатлар сметасига қаттиқ маиший чиқиндиларини ташиб чиқариш бўйича белгиланган нормативлар асосида зарур маблағларни киритиш ҳамда ушбу маблағларни ўз вақтида ажратилишини таъминлаш юклатилсин.

6. Вилоят ҳокимлигининг ахборот хизмати (С.Рапиқов), вилоят ҳокимлигининг компьютерлаштириш маркази давлат унитар корхонаси (Б.Ахунбабаев) мазкур қарорни “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Т.Дадабаев ва Н.Хайиталиев зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Х. Бозаров**

Вилоят ҳокимининг 2015 йил  
 " 19 " декабрдаги "382" - сонли қарорига  
 илова

**Наманган вилоятида шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари томонидан қаттиқ  
 маиший чиқиндиларни чиқариш хизматларига белгиланган тарифлари тўғрисида**

Т/р	Туманлар номи	Чиқинди чиқариш хизматлари учун амалдаги тарифлар миқдори	
		Аҳолига 1 киши/ 1 ойга (сўм)	Бюджет ва бошқа юридик ташкилотларига (1м3/сўм)
1.	Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси	1 000	29 400
2.	Мингбулок туман Ободонлаштириш бошқармаси	1 456	24 964
3.	Косонсой туман Ободонлаштириш бошқармаси	1 000	21 813
4.	Наманган туман Ободонлаштириш бошқармаси	1 300	22 293
5.	Норин туман Ободонлаштириш бошқармаси	1 080	24 624
6.	Поп туман Ободонлаштириш бошқармаси	1 300	21 500
7.	Гўрақўрғон туман Ободонлаштириш бошқармаси	1 300	21 500
8.	Уйчи туман Ободонлаштириш бошқармаси	1 300	18 305
9.	Учқўрғон туман Ободонлаштириш бошқармаси	1 300	19 500
10.	Чортоқ туман Ободонлаштириш бошқармаси	1 300	21 500
11.	Чуст туман Ободонлаштириш бошқармаси	1 500	20 250
12.	Янгиқўрғон туман Ободонлаштириш бошқармаси	1 300	21 500